

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

САМАНОВ ШЕРМУХАММАД АБДУРАСУЛОВИЧ

**ДЎЗАНИНГ ГЕНОМЛАРАРО ИНТРОГРЕССИВ УСУЛЛАРИ БИЛАН
ОЛИНГАН ТИЗМАЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИ БАҲОЛАШ АСОСИДА НАВ ОЛИШ**

06.01.05 - Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Саманов Шермухаммад Абдурасулович

Вўзанинг геномлараро интрогрессив усуллари билан олинган тизмаларининг қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш асосида нав олиш..... 3

Саманов Шермухаммад Абдурасулович

Получение сорта на основе оценки хозяйственно - ценных признаков линий, полученные межгеномными интрогрессивными методами хлопчатника..... 25

Samanov Shermukhammad Abdurasulovich

Obtaining a variety from cotton on the basis of an assessment of the economically valuable trait of the lines obtained by the method of intergenomic introgression..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

САМАНОВ ШЕРМУХАММАД АБДУРАСУЛОВИЧ

**ДЎЗАНИНГ ГЕНОМЛАРАРО ИНТРОГРЕССИВ УСУЛЛАРИ БИЛАН
ОЛИНГАН ТИЗМАЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИ БАҲОЛАШ АСОСИДА НАВ ОЛИШ**

06.01.05 - Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертациониси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx663 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (paxtauz@mail.ru) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аманов Бахтияр Хушбакович
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рашидова Дилбар Каримовна
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Мирахмедов Мирвахоб Садикович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» май соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78, факс (+99871) 150-61-37, E-mail: paxtauz@mail.ru. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти кутубхонасида танишиш мумкин (119 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти кутубхонаси. Тел: (+99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2021 йил «29» апрел куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)



А.Э.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., к.и.х.

А.Ё.Курбонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., к.и.х.

А.Б.Амантурдиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Жаҳон миқёсида 2019 йилда пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш миқдори 25,9 млн. тоннани ташкил этди»¹. «2019-2020 йилларда дунёда пахта толаси етиштириш ҳажми бўйича Ҳиндистон (6423,0 минг т), Хитой (5933,0 минг т), АҚШ (4336,0 минг т), Бразилия (2918,0 минг т), Покистон (1350 минг т) ва Ўзбекистон (762,0 минг т) етакчилик қилмоқда»². Ҳозирги кунда дунёда халқ хўжалигининг замонавий талабларига жавоб бера оладиган, ҳосилдор, тола чиқими юқори, биотик ва абиотик омилларга чидамли ғўза навларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса дунё пахтачилигида янги навларни яратишда, ёввойи турларни селекция ишларига жалб этиш, улардаги фойдали белги хусусиятларни маданий навларга ўтказиш, жумладан, тезпишар, ҳосилдор, толаси юқори сифатли ҳамда стресс омилларга чидамлилиқ имкониятларини ошириш лозимлигини кўрсатади. Бу йўналишдаги тадқиқотларда *Gossypium* L. туркумига мансуб турларнинг ирсий имкониятидан генетик-селекцион изланишларда биотехнологик ва ген-муҳандислиги усулларида фойдаланиш энг муҳим амалий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Дунёда ўрта толали ғўзанинг хўжалик ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотларда ёввойи турлардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда, айниқса, ёввойи ғўзанинг *G. harknessii* Brandg., *G. klotzschianum* Anderss., *G. raimondi* Ulb., *G. trilobum* Phill., *G. bickii* Prokh., *G. australe* F. Müll ва бошқа турларидан фойдаланган ҳолда ноёб амфидиплоид гексаплоидлардан фойдаланиш натижасида рекомбинантлар олинган. Бу тизмаларда морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, коррелятив боғлиқлиги каби генетик қонуниятларни аниқлашга оид кенг қўламли изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида ўрта толали ғўзанинг ҳосилдор, эртапишар, тола сифати ва чиқимининг генетик имкониятларини аниқлаш, миқдорий белгиларнинг полигенлар билан назорат қилиниш кўрсаткичларини ошириш, турли геномли ёввойи турлардан кенг фойдаланиш натижасида янги тизма ва навлар яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ғўза селекциясида геномлараро турлардан кенг фойдаланган ҳолда дурагайлаш, экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш бўйича бир қатор ютуқларга эришган. Ушбу йўналишларда амалга оширилган тадқиқотлар пахтачилиқнинг генетик-селекцион соҳаларини юксалтиришда, маданий ва ёввойи турларни дурагайлаш асосида олинган тизма ва навлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги

¹ www.icac.org

² www.statista.com/statistics/263055/cotton-production-worldwide-by-top-countries

селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқотлар ишларини кенгайтириш»³ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ғўза генофонди коллекциясида сақланаётган *Gossypium* L. туркумига мансуб диплоид ва тетраплоид турлардан фойдаланиш, турли услубларни қўллаган ҳолда биологик ва қимматли хўжалик белгиларини тадқиқ этган ҳолда интрогрессив шакллارни амалий селекция ишларига жалб этиш орқали ўрта толали ғўзанинг янги тизма ва навларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 985-сон «2020 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда ғўзанинг янги генотипга эга бўлган навларини яратиш, геномлараро маданий ва ёввойи турлар иштирокида олинган турлараро дурагайлаш ҳамда экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш натижасида хўжалик белгилари, стресс омилларга чидамли бошланғич манбалар олиш бўйича хорижий олимлар I.E.Endrizii et al. (1985), Wendel, J.F., R.C. Cronn (2003), H.Benbouza & al. (2010), Yu Chen & al. (2014) бундан ташқари маҳаллий олимлар С.М.Ризаева (1996), А.А.Абдуллаев (2003), Ш.Намазов, А.Муратов, А.Алиев, С.Бобоев (2005), Ш.Э.Намозов (2014), С.Ф.Бобоев (2017), Х.А.Мўминов (2017), Б.Х.Аманов (2019), Б.А.Сирожидинов (2018, 2020) томонидан ғўзанинг ёввойи турларини маданий нав намуналари билан дурагайлаш асосида ноёб дурагай шакллар яратилган ва янги ирсий жиҳатдан бойитилган генотиплар ажратиб олинган ҳамда амалий селекция учун бошланғич донорлар тавсия этилган. Жумладан, С.Ф.Бобоев (2017) мураккаб (*G. thurberi* Tod. x *G. raimondii* Ulbr.) *G. arboreum* L. x *G. hirsutum* L. амфидиплоидларига *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турларининг маданий навларини дурагайлаш асосида 4 ва 5 геномли ғўза турлари иштирокидаги янги турлараро мураккаб дурагайларни олган ҳамда асосий қимматли хўжалик белгиларнинг шаклланиши ва

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ўзгарувчанлигини аниқлаган. Б.А.Сирожиддинов (2020) турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш орқали яратилган полигеномли дурагайларда қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлик даражаси ва шаклланишига қиёсий баҳо берган. Таъкидлаш лозимки, кўп геномли ёввойи ғўза турларини дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланган ҳолда интрогрессив шакллар олиш, олинган шакллар асосида тизмаларда морфоҳўжалик белгиларининг шаклланиши, корелятив боғлиқлиги ва кластер таҳлилини баҳолаш борасидаги тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А8-ТО17 «Ғўза генофондининг диплоид ва тетраплоид турларига оид дунёвий хилма-хилликлари орасидан турли услублар қўллаш асосида қимматли намуналар ажратиб олиш, баҳолаш, селекциявий жараёни жадаллаштириш» (2015-2017 йй.) ва КА-8-009 «Ғўза генофондидан самарали фойдаланиш мақсадида унинг миллий ахборот тизимини яратиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқот мақсади ғўзанинг геномлараро интрогрессив усуллари билан олинган тизмаларнинг қимматли хўжалик ва сифат белгиларини шаклланиши, корелятив боғлиқлиги ҳамда кластер таҳлили асосида генетик жиҳатдан бойитилган янги нав яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўзанинг геномлараро интрогрессив усуллари билан олинган шаклларни морфоҳўжалик белгиларини таҳлил қилиш;

ажратиб олинган тизмаларнинг айрим морфоҳўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

тизмаларнинг қимматли хўжалик ва толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича ўзаро яқинлигини кластер усули ёрдамида аниқлаш ва уларни кластер гуруҳларга ажратиш;

геномлараро интрогрессив тизмаларда *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* замбуруғларини ўсимлик уруғи унувчанлигига ва барг пластинкасига таъсирини ўрганиш;

ғўзанинг юқори кўрсаткичли тизмаларини морфоҳўжалик белгилари бўйича нав даражасида такомиллаштириш ва барқарорлаштириш;

янги ўрта толали ғўза навини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг геномлараро интрогрессив усуллари билан олинган Т-24, Т-РСМ, Т-138, Т-141 тизмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг геномлараро интрогрессив тизмалари чигит унувчанлигига ва барг пластинкасига *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* замбуруғларини таъсири,

ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги, коррелятив боғлиқлиги ва кластер таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, қиёсий морфология, фенологик кузатувлар, НҲІ аппаратида тола сифати кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда генетика-селекция таҳлилларининг замонавий усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба, интрогрессив Т-24, Т-РСМ, Т-138, Т-141 тизмаларида қимматли хўжалик ва тола сифат белгиларини кластер таҳлили натижасида 3 та гуруҳга ажралиши аниқланган;

геномлараро Т-24, Т-РСМ, Т-138, Т-141 тизмаларида кўсакларнинг очилиш суръати андоза навга нисбатан 2-13 кунга эртапишар эканлиги, жумладан, Т-РСМ тизмасида ўсув даври 109 кунни ташкил этиши аниқланган;

кўп геномли тизмаларда яъни Т-РСМ (6,7 г), Т-24 (7,1 г) бир дона кўсакдаги пахта вазни юқори кўрсаткичларга эга бўлиши аниқланган;

Т-138 тизмаси чигитларининг унувчанлиги *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected патоген замбуруғ штаммларига 70,0% кучли чидамли, Т-РСМ ва Т-138 тизмалари *Verticillium dahliae* замбуруғига нисбатан толерантлиги 80,0-100,0% эканлиги исботланган;

Т-РСМ тизмаси *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedга кучсиз зарарланганлиги, Т-РСМ, Т-141 тизмалари *Fusarium solani* билан умуман зарарланмаганлиги, Т-24 ва Т-РСМ тизмалари *Verticillium dahliae* замбуруғига ўсимлик барглари 100% зарарланмаганлиги аниқланган;

интрогрессив тизмаларни қиёсий баҳолаш асосида ҳосилдор, эртапишар, толаси узун, тола чиқими ва сифати юқори бўлган тизмалар таҳлил қилинган ҳамда мужассамлашган услублар асосида янги ўрта толали «Нисо» ғўза нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг геномлараро интрогрессив тизмаларини *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* замбуруғларини ўсимлик уруғи унувчанлигига ва барг пластинкасига таъсири, қимматли хўжалик ва сифат белгиларини шаклланиши, коррелятив боғлиқлиги ҳамда кластер таҳлили асосида эртапишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори интрогрессив тизмалар ажратиб олинган;

ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган янги ўрта толали «Нисо» ғўза нави Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг грунт назоратига тақдим этилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган тадқиқотларнинг методик жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, дала тажрибалари апробация комиссияси томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижалар назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг замонавий статистик таҳлил қилинганлиги, хулосаларнинг илмий ва амалий асосланганлиги, республика, халқаро анжуманларда муҳокамаси ҳамда маҳаллий журналларда чоп этилганлиги, ғўзанинг янги

ўрта толали «Нисо» нави яратилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзанинг геномлараро интрогрессив тизмаларининг *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* замбуруғларини ўсимлик уруғи унувчанлигига ва барг пластинкасига таъсири, қимматли хўжалик ва сифат белгиларининг шаклланиши, коррелятив боғлиқлиги ҳамда кластер таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамизда тола сифати IV-типга мансуб бўлган, тола чиқими юқори бўлган ўрта толали ғўза навларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича давлат дастурини бажариш мақсадида ғўзанинг геномлараро интрогрессив усуллари билан олинган тизмаларни генетик-селекцион тадқиқотларда дастлабки манбаа сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳамда ғўзанинг янги ўрта толали «Нисо» нави яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзанинг геномлараро интрогрессив тизмаларининг қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш асосида нав олиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

ғўза навларининг генотипларини бойитишда турли геномли турлардан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар 2016-QNXZ-B-20 рақамли «Ғўзанинг геномлараро интрогрессив тизмаларининг қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш асосида нав олиш» мавзусидаги лойиҳасида интрогрессив дурагай шакллариининг абиотик стресс омилларига чидамлилигини баҳолашда фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 10 - ноябрдаги маълумотномаси). Натижада кўп геномли турлар асосида олинган тизмаларнинг морфологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларида ўзгарувчанлик характерини аниқлаш имконини берган;

ғўзанинг кўп геномли турлари асосида олинган тизмалардан ФА-А-КХ-2018-30 «Ғўзанинг янги тезпишар, ҳосилдор, касалликларга бардошли, турли иқлим шароитларига мослашган, ўзида қимматли хўжалик белгиларини мужассам этган навларни яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада ғўзанинг геномлараро тизмаларини қимматли хўжалик ва биологик хусусиятларига ҳамда селекциявий имкониятига баҳо беришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 12 ноябрдаги №4/1255-2472-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдор, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига ва касалликларига чидамли бўлган ноёб намуналар ажратиб олиш орқали генетик имкониятлардан самарали фойдаланиш имконини берган;

янги “Нисо” навини Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг Термиз нав синаш участкасида, Мингбулоқ нав синаш участкасида, Хатирчи нав синаш участкасида ва Жиззах нав синаш участкасида ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги аниқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги

вазирлигининг 2020 йил 16 декабрдаги №02/020-4410-сонли маълумотномаси). Натижада андоза навлардан 1,5-2,5 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

ғўзанинг геномлараро интрогрессив тизмалари Республикада етакчи бўлган «Ғўза генофонди» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 12 ноябрдаги №4/1255-2473-сонли маълумотномаси). Ушбу интрогрессив тизмалар ғўза коллекцияси фондини бойитиш, ғўзанинг ёввойи турларини баҳолаш, стресс омилларга мослаша оладиган ва генетик жиҳатдан бойитилган намуналар бўйича электрон базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий ишлар нашр этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи, жумладан *Gossypium* L. туркумига мансуб турли геномли ғўза турларидан амалий селекцияда фойдаланиш имкониятлари, қимматли хўжалик белгиларининг шаклланиши, коррелятив боғлиқлиги ва ўсимликларда кластер таҳлили бўйича олинган илмий ва амалий натижалар батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказилган жой шароити, тадқиқот манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни

ўтказиш шароити, бошланғич манбалари ва услублари келтирилган бўлиб, унда изланишлар Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ғўзанинг экспериментал полиплоидияси ва филогенияси лабораториясида бажарилганлиги баён этилган.

Тадқиқотларда *Gossypium* L. туркумига мансуб уч геномли Тошкент-1 х (*G. raimondii* х *G. thurberi*), Тошкент-1 х (*G. harknessii* х *G. raimondii*) дурагай комбинацияларининг экспериментал полиплоидия услуби асосида олинган тизмалар ва қиёсий таҳлил қилиш учун андоза С-6524 навидан фойдаланилган.

Ғўзанинг геномлараро интрогрессив тизмаларида белгиларнинг коррелятив боғлиқлиги аниқланган. Тизмалар *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* замбуруғларидан ажратилган микотоксинларнинг ўсимлик уруғининг унувчанлигига ва барг пластинкасига таъсири Vipinchandra B. Kalbande, Anita S. Patil (2016) усули бўйича аниқланган. Бундан ташқари, кластерли таҳлил усулидан фойдаланилган. Ушбу таҳлил кўп ўлчамли статистикадан маълумки, объектларнинг бир-биридан узоқлигининг табиий ўлчами Махаланобис масофаси билан ҳисобланади. Евклид масофаси эса Махаланобис масофасининг хусусий ҳолати бўлиб ҳисобланади. Иккита х ва у нукталар (белгилар) орасидаги Евклид масофасининг геометрик интерпретацияси: иккита белги бўйича олинган генотиплар (x_1, y_1 ва x_2, y_2) орасидаги Евклид масофаси ($d_{1,2}$) Пифагор теоремаси билан аниқланган.


Амалий тадқиқотлардан олинган натижаларга Б.А.Доспехов (1985) илмий манбаларида келтирилган усуллар асосида статистик ишловлар берилган.

Диссертациянинг «Ғўзанинг интрогрессив тизмаларида морфо-хўжалик ва сифат кўрсаткичлари таҳлили» деб номланган учинчи бобида интрогрессив усуллари асосида олинган тизмаларда ўсув даври, биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги, бир дона кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни ва толанинг сифат кўрсаткичларининг шаклланиши бўйича олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Маълумки, ғўза ўсимлигининг тезпишарлигини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири бу-чигит униб чиққан кундан то 50% кўсаклар очилишигача бўлган даври ҳисобланади. Интрогрессив тизмаларда ўсув даври белгиси бўйича кўрсаткичлари 2017-2019 йилларда олинган натижалар қиёсий таҳлил қилинганда, ушбу белги бир-биридан кескин фарқ қилиши кузатилмади. Андоза сифатида ўрганилган С-6524 навида белги кўрсаткичи йиллар бўйича ўртача 119,4-122,1 кунни ташкил этди. Ўсув даври белгиси бўйича тизмаларда уч йиллик ўртача маълумот 109,2-117,7 кун кузатилиб, андоза С-6524 навида нисбатан 1,7-12,9 кун тезпишар эканлиги аниқланди. Жумладан, ўрганилаётган Т-РСМ тизмасида йиллар кесимида бироз ўзгариш кузатилди, яъни 2018-2019 йиллардаги олинган натижаларга кўра, барча тизмалардан устун эканлиги (ўртача $\pm 109,2$ кун), шунга мос равишда вариация коэффициенти 3,5% бўлди.

Тадқиқотларимизда биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги белгиси 2017-2019 йилларда олинган натижаларга кўра, қиёсий таҳлил қилинганда, интрогрессив тизмаларда белги бўйича кўрсаткичлар бир биридан кескин фарқланмади. Биринчи ҳосил шохи жойлашиш бўғин баландлиги бўйича андоза С-6524 навида йиллар кесимида ўртача 5,1-5,5 бўғин, шунга мос равишда вариация коэффиценти 13,5-17,3% эканлиги аниқланди. Ушбу белгининг кўрсаткичи тизмаларда ўртача 3,9-5,5 бўғинни, вариация коэффиценти эса 10,9-22,6% ни ташкил этди. Биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги белгиси бўйича яхши кўрсаткич Т-РСМ тизмасида 4,2 бўғинни, вариация коэффиценти 19,0% эканлиги қайд этилди. Ушбу белги бўйича паст кўрсаткич Т-138 тизмасида кузатилиб 6,2 бўғинни ташкил этди ва андоза сифатида олинган С-6524 навидан пастроқ натижани қайд этди.

Бир дона кўсақдаги пахта вазни белгиси 2017-2019 йил натижалари қиёсий ўрганилганда, ушбу белги бўйича андоза С-6524 навида йиллар бўйича ўртача 5,2-5,5 граммни ташкил этди. Ушбу белги бўйича тизмаларда ўртача 5,7-7,1 грамм бўлганлиги қайд этилиб, андоза С-6524 навида нисбатан 0,3-1,6 граммга оғир эканлиги аниқланди (1-расм).




1-расм. Интрогрессив тизмаларда битта кўсақдаги пахта вазни белгисини шаклланиши, г ҳисобида (2017-2019 йй.)

2017 йил натижаларига кўра, интрогрессив тизмаларда битта кўсақдаги пахта вазни 5,8-6,4 граммни ташкил этди. Ушбу белги бўйича юқори кўрсаткич Т-РСМ тизмасида 6,4 грамм, вариация коэффиценти 7,8 %, ҳамда ўрганилаётган белги бўйича бироз паст кўрсаткич Т-138 тизмасида 5,8 граммни ташкил этган бўлсада андоза сифатида олинган С-6524 навидан +0,6 юқори кўрсаткични намоён этди. Интрогрессив тизмаларда иккинчи ва учинчи (2018-2019) йилги натижаларга кўра, битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича ўхшаш аналог кўрсаткичлар қайд этилди. Масалан, Т-24 тизмасида йиллар кесимида бироз ўзгариш кузатилди, яъни 2018 йил натижаларига кўра, бироз пасайиш қайд этилган бўлса, 2019 йил таҳлиliga кўра ушбу белги

бўйича барча тизмалардан устун эканлигини ($\pm 1,6$) кўрсаткични намоён этганлигини кўришимиз мумкин. Юқорида кўрсатиб ўтилган йирик кўсакли тизмалардан яъни, Т-РСМ (6,7 г), Т-24 тизмалари (7,1 г) амалий селекция жараёнига бошланғич ашё сифатида тавсия этилади.

Взанинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган тола узунлиги белгисининг 2017-2019 йил кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинганда, ушбу белги бўйича тизмаларда бир бирига яқин натижалар қайд этилди. Тола узунлиги белгиси тизмаларда ўртача 33,6-35,9 мм бўлганлиги қайд этилиб, андоза С-6524 навига нисбатан 0,5-2,8 мм юқори кўрсаткични намоён этди. Турли геномли шакллар асосида олинган тизмаларда тола узунлиги белгиси 2017 йил натижаларига кўра, ўртача 33,6-35,9 мм ни ташкил этди. Ўрганилган тола узунлиги белгиси бўйича юқори кўрсаткич Т-РСМ тизмасида 35,9 мм, вариация коэффиценти 4,37% қайд этилди (2-расм).




2-расм. Интрогрессив тизмаларида тола узунлиги белгисини шаклланиши, мм ҳисобида (2017-2019 йй.)

Иккинчи ва учинчи (2018-2019) йилги натижаларга кўра, тола узунлиги белгиси бўйича ўхшаш кўрсаткичлар қайд этилди. Масалан, 2019 йил таҳлил натижаларига кўра Т-141 тизмаси бошқа тизмаларга нисбатан паст ўртача кўрсаткични 33,6 мм, ва вариация коэффиценти 3,6% намоён этди ва юқори кўрсаткич Т-РСМ тизмасида 35,1 мм, вариация коэффиценти эса 3,8% эканлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ўрганилган 4 та тизманинг тола узунлиги андоза навадан устун эканлигини кўрсатди. Бу эса тола узунлиги белгиси бўйича тизмаларнинг кўрсаткичлари IV-тип толага қўйилган талабларга тўлиқ мос келишини кўрсатди ҳамда кейинги тадқиқот ишларида тизмаларни кўпайтиришда ҳосилдорлик ва тола узунлиги белгиси пасайиб кетмаслигидан далолат беради.

Тола чиқими белгиси бўйича 2017-2019 йилги натижалар қиёсий таҳлил қилинди, баъзи тизмаларда ушбу белги бўйича бир биридан фарқ кузатилди.

Жумладан, 2017 йил таҳлил натижаларига эътибор берсак 2018-2019 йилларга нисбатан паст кўрсаткич кузатилди. Тола чиқими белгиси бўйича ўртача 36,8-38,5%, вариация коэффиценти 3,4-6,4% қайд этилиб, андоза С-6524 навига нисбатан 1,9-3,6% юқори эканлиги аниқланди. Т-141 тизмасида тола чиқими белгиси бўйича юқори кўрсаткич 38,5% кузатилган бўлса, ушбу белги бўйича паст кўрсаткич Т-24 тизмасида (ўртача 36,8%) қайд этилди. Андоза С-6524 навида тола чиқими кўрсаткичи ўртача 34,9%, шунга мос равишда вариация коэффиценти 3,5% ни ташкил этди (3-расм).



3-расм. Интрогрессив тизмаларнинг тола чиқими белгисини шаклланиши %, ҳисобида (2017-2019 йй).

Иккинчи ва учинчи (2018-2019 йй.) йилги тадқиқот натижалари таҳлиliga кўра, яқка танлов ишлари тўғри олиб борилиши натижасида тола чиқими белгиси бўйича жуда яхши кўрсаткичлар олишга эришилди. Масалан, 2018 йил натижалари таҳлил қилинганда, ушбу белги бўйича ўртача 40,3-41,7%, вариация коэффиценти 4,0-6,1% қайд этилиб, андоза навга нисбатан 5,1-6,5% толаси ортиқ эканлиги намоён бўлди. Шунингдек, Т-141 тизмасида тола чиқими белгиси бўйича юқори кўрсаткич 41,7%, вариация коэффиценти 4,0% ни ташкил этган бўлса, тола чиқими кўрсаткичи бўйича нисбатан паст кўрсаткич Т-PCM тизмасида ўртача 40,3%, вариация коэффиценти 6,1% ни ташкил этди.

Тола чиқими белгиси бўйича Т-24, Т-138 тизмаларининг ўзгарувчанлик даражаси $V=4$ % дан баланд бўлиб, тола чиқими белгининг гомеостаз ҳолатга келиши учун тадқиқот ишларини давом эттириш кераклиги аниқланди.

Ўрганилган барча интрогрессив тизмаларда тола чиқими белгиси юқорилиги билан ажралиб турди ва шуни инобатга олган ҳолда амалий селекция жараёнига ноёб бошланғич манбаа сифатида тавсия этилади.

Тадқиқот учун танланган интрогрессив тизмаларни қимматли хўжалик белгиларидан 1000 дона чигит вазни белгиси 2017-2019 йил натижаларига кўра қиёсий таҳлил қилинганда, тизмаларда уч йиллик маълумотлар бўйича бир биридан кескин фарқ қилиши кузатилмади. Интрогрессив тизмаларда 1000 дона чигит вазни андоза С-6524 навида йиллар бўйича ўртача 115,6-117,0 граммни, шунга мос равишда вариация коэффиценти эса 1,2-4,2% ни ташкил этди. Ушбу белги бўйича тизмаларда кўрсаткичлар ўртача 109,1-120,3 грамм бўлганлиги қайд этилиб, андоза С-6524 навида нисбатан 0,3-5,5 га оғир бўлганлиги қайд этилди, аммо баъзи тизмаларда уч йиллик маълумот бўйича андоза навадан 1000 дона чигит вазни бироз енгил ҳолатлари ҳам тажрибаларимизда учради.

Олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, интрогрессив тизмаларнинг ушбу белги бўйича ўзгарувчанлик даражаси бир-биридан кескин фарқ қилмаган ҳолда андоза нав даражасида эканлигини кўрсатди ҳамда тизмаларнинг 1000 дона чигит вазни белгиси бўйича барқарорлашганлиги аниқланди. Ушбу белги бўйича ҳам интрогрессив тизмалар ўртасида кескин фарқланиш кузатилмади. Келажакда тадқиқот ишларини давом эттириб уларни нав даражасига етказиш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш асосида юқори ҳосилдорликка эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Пахта толасининг сифат кўрсаткичлари замонавий НҲІ ускунаси ёрдамида таҳлилдан ўтказилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз ҳам тадқиқотларимизда геномлараро асосида яратилган янги интрогрессив тизмаларнинг сифат кўрсаткичлари Республика «Сифат» марказида НҲІ ускунаси ёрдамида аниқланди ҳамда толанинг айрим сифат кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар районлашган С-6524 навини кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлилдан ўтказилди.

Ўрганилган янги интрогрессив тизмаларда микронейр кўрсаткичи таҳлил қилинганда 2017-2019 йилларда 4,1-4,8 оралиғида жойлашди. 2017 йилда микронейр белгиси бўйича энг ижобий натижа Т-24 тизмасида (4,3) аниқланган ҳолда, кўрсаткични бу «асосий оралик» мезонларига тўғри келиши аниқланди. Пахта толасининг микронейр кўрсаткичи 4 та тизманинг 2 тасида 4,6 оралиғида жойлашиб, бу ўрганилган умумий тизмаларнинг 50,0 % ини ташкил этди. Ўрганилган тизмалар орасида Т-138 тизмасининг белги кўрсаткичи 4,4 бўлди ва унинг кўрсаткичи андоза С-6524 нави билан тенг эканлиги аниқланди. Интрогрессив тизмалар орасида 3,4 дан кам ва 5,0 дан юқори кўрсаткичга, яъни «нархидан чегириладиган» мезонларга мос келувчи тизмалар қайд этилмади.

Иккинчи ва учинчи йиллик маълумотларга кўра, микронейр кўрсаткичи бўйича ўхшаш аналог кўрсаткичлар қайд этилди. Масалан, ушбу белги бўйича таҳлил қилинаётган Т-РСМ тизмасида йиллар кесимида бироз ижобий ўзгариш кузатилди, яъни 2018-2019 йиллардаги натижаларга кўра, ушбу белги

бўйича барча тизмалардан устун эканлигини, яъни 4,1-4,3 интервалда бўлиб «мукофотли оралик» кўрсаткичини намоён этганлигини кўришимиз мумкин.

Олинган тадқиқот натижалар таҳлил қилинган интрогрессив тизмаларнинг микронейр кўрсаткичи андоза С-6524 нави кўрсаткичидан сезиларли равишда ижобий бўлиб, бу уларнинг микронейр кўрсаткичи бўйича ўрта толали ғўза навларига мансуб III-IV тип пахта толасига қўйилган талабларга тўла мос келишини кўрсатди.

Тадқиқотларимизда толани сифат кўрсаткичларидан бири **солиштирма узилиш кучи (Str)** - пахта толасининг пишиқлиги ҳам таҳлил қилинди. Толанинг пишиқлиги бу калибрланувчи пахтанинг HVI градуировкасида (HVI Calibration Cotton), гк/текс да (сН/текс) ифодаланади. 2017 йилда олинган натижаларга кўра, таҳлил қилинган барча интрогрессив тизмаларда солиштирма узилиш кучи 32,1 гк/текс (Т-141) дан 35,4 гк/текс (Т-35,4) гача бўлди ва андоза навга нисбатан фарқи 7,8-11,1 гк/текс ни ташкил этди. 2018-2019 йилларда ҳам солиштирма узилиш кучи (Str) белгиси бўйича барча интрогрессив тизмаларда ижобий кўрсаткич қайд этилди. Андоза сифатида олинган С-6524 навида солиштирма узилиш кучи 24,3-27,0 гк/текс ни ташкил этди.

Толанинг сифат белгиларидан яна бири **юқори ўртача узунлик (УНМ) ҳисобланади**. Уч йиллик (2017-2019 йй) маълумотлар асосида биз юқори ўртача узунлик кўрсаткичини таҳлил қилдик. Юқори ўртача узунлик бу аниқланаётган намуна массасининг ярмини ташкил этувчи энг узун толаларнинг ўртача узунлигидир. Ушбу кўрсаткич дюйм ёки мм да ҳисобланади. Интрогрессив тизмаларнинг тола узунлиги белгиси лаборатория шароитида таҳлил қилиниб, ушбу белгининг мм даги кўрсаткичлари юқорида таҳлил қилинган эди. Тола узунлиги кўрсаткичи HVI ускунасида аниқланиб, белгининг лаборатория шароитидаги кўрсаткичларини қай даражада тасдиқлаши қайд этилди.

Олинган натижалар таҳлиliga кўра, интрогрессив тизмаларнинг кўрсаткичи сезиларли равишда иккинчи ва учинчи йилларда андоза С-6524 навга нисбатан ижобий бўлганлиги қайд этилди, лекин 2017 йил натижаларига кўра, фақатгина Т-РСМ тизмаси андоза навадан устун (1,14 дюйм) эканлиги қайд этилди. 2018-2019 йиллар натижаларига эътибор берсак юқори ўртача узунлик (УНМ) белгиси бўйича ўрганилган интрогрессив тизмаларни деярли барчасида энг яхши кўрсаткичлар 2018 йилда Т-24 (1,18 дюйм), Т-РСМ (1,18 дюйм), Т-138 (1,14 дюйм), Т-141 (1,15 дюйм) кузатилган бўлса, 2019 йил натижаларига кўра Т-24 (1,20 дюйм), Т-РСМ (1,18 дюйм), Т-141 (1,19 дюйм) тизмаларда ижобий бўлганлиги қайд этилди. Умуман олганда юқори ўртача узунлик кўрсаткичи тизмаларда андоза сифатида фойдаланилган IV типга мансуб С-6524 нави кўрсаткичидан сезиларли равишда устун эканлиги аниқланди. Ғўзанинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган тола узунлиги белгиси Сифат марказидаги HVI ускунасида аниқланган маълумотлар, лаборатория шароитидаги кўрсаткичга яқин аналог эканлиги қайд этилди.

Пахта толасининг сифати кўрсаткичлари бўйича олинган натижалар таҳлили шундан далолат берадики, интрогрессив тизмаларнинг барчасини кўрсаткичлари тола сифати бўйича ижобий бўлиб, ҳозирги вақтда пахта толаси сифатига қўйилган талабларга тўла жавоб беради. Бунинг асосий сабаблари, тизмаларнинг келиб чиқишида иштирок этган маданий ва ёввойи турларнинг тола сифати ижобий бўлганлиги, экспериментал полиплоидия асосида олинган интрогрессив ўсимликларнинг тола сифати юқори бўлиши ҳамда танлов ишларини тўғри йўлга қўйилганлигидир.


Диссертациянинг **«Ажратиб олинган интрогрессив тизмаларда қимматли хўжалик ва сифат белгиларининг кластер таҳлили ҳамда коррелятив боғлиқлиги»** деб номланган тўртинчи бобида тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари ва толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича коррелятив боғлиқлиги ҳамда кластер таҳлил натижалари келтирилган.

Тажрибларда тизмаларни кластерларга ажратишда Statgraphics компьютер дастурида генетик яқинликнинг ўлчови сифатида Евклид масофасидан, бирлаштириш усули сифатида эса Уорд усулидан фойдаланган ҳолда аниқланди.

Кластер таҳлил ўтказиш учун интрогрессив тизмаларнинг миқдорий белгиларидан фойдаланилди. Ушбу тизмаларнинг хўжалик белгилари ўрганилиб, бир дона кўсакдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги, тола чиқими кўрсаткичлари лаборатория ва дала шароитида аниқланиб статистик таҳлил қилинди.

Ўрганилган намуналарда қимматли хўжалик белгиларидан бири бўлган «бир дона кўсакдаги пахта вазни» белгиси бўйича юқори кўрсаткич Т-РСМ тизмасида (6,4 г) ни ташкил қилган бўлса, ушбу белги бўйича нисбатан паст бўлган кўрсаткич Т-138 (5,9 г) тизмасида кузатилди. Бошқа тизмаларда белгининг ўртача кўрсаткичи 6,2-6,3 г оралиғида бўлди. Тизмалар бирлаштирилган кластерларнинг энг кам сони 2, энг кўп сони 4 тага тенг бўлди. Ушбу гуруҳларга ажралишлар таҳлил қилинганда тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари бўйича яқинлигини аниқлаш учун 3 кластерли таҳлил энг мақбул эканлигини аниқланди (4-расм).

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи кластерга кирган Т-24 ва Т-138 тизмалари бир-биридан кўсакларини йирик вазни билан фарқлансада, қимматли хўжалик белгилари бўйича улар бир-бирига яқин тизмалар эканлиги аниқланди. Кластер тизими бўйича иккинчи кластер гуруҳига киритилган Т-141 тизмасининг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари бошқа намуналардан юқори эканлиги аниқланди бу эса ўрта толали ҳосилдор навлар яратишда муҳим аҳамият касб этади. Т-РСМ тизмаси учинчи кластерга кирган бўлиб, бу тизманинг барча қимматли-хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичли навлар қаторида эканлиги ва бу тизмадан селекция жараёнида фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатди.



4-расм. Интрогрессив тизмаларни қимматли хўжалик белгилари бўйича кластерларга ажралиш дендрограммаси

Толанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун иккитадан кўп популяция олиниб генотипларни бир-бирига яқинлигига кўра 3 та гуруҳларга ажратилди. Бундан мақсад, ушбу интрогрессив тизмаларнинг сифат белгилари бўйича ҳар хиллик даражасини аниқлаш ва уларни ўзаро яқинлигига кўра бирлаштириш бўлиб, бу мақсадга эришиш учун кластерли таҳлил усулидан фойдаланилди.

Кластер таҳлил ўтказиш учун интрогрессив тизмаларда толанинг сифат кўрсаткичлари асос қилиб олинди. Ушбу тизмалар бир хил шароитда экилиб, микронейр, солиштирма узилиш кучи, юқори ўртача узунлик кўрсаткичлари аниқланиб статистик таҳлил қилинди. Тизмаларнинг сифат белгилари кўрсаткичлари, таҳлил қилинганда бирлаштирилган кластерларнинг энг кам сони 1, энг кўп сони 3 тага тенг бўлди. Ушбу гуруҳларга ажралишлар таҳлил қилинганда, тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари бўйича яқинлигини аниқлаш учун 3 кластерли таҳлил энг мақбул эканлиги маълум бўлди.

Интрогрессив тизмаларда морфо-хўжалик белгилари ўртасидаги ўзаро коррелятив боғлиқлик таҳлил қилинди. Тизмаларда морфо-хўжалик белгиларидан «биринчи ҳосил шохи (hs)» билан «бир дона кўсакдаги пахта вазни» белгилари орасидаги коррелятив боғлиқликларида алоҳида аҳамият қаратилди. Кўп геномли тизмаларда ушбу белгилар орасидаги корреляция коэффицентлари $r=+0,65$ дан $r=+0,79$ гача бўлиб кучли ижобий равишда боғланишга эга эканлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида ғўзанинг морфо-хўжалик белгиларидан яна «биринчи ҳосил шохи (hs)» билан «тола чиқими» ўртасидаги коррелятив боғлиқлик аниқланди. Т-138 ва Т-24 тизмаларида ўртача ижобий ($r=+0,56$; $r=+0,60$), Т-141 ва Т-PCM тизмаларида эса ($r=+0,79$) кучли ижобий равишдаги боғлиқлик кузатилди. Бундан ташқари «биринчи ҳосил шохи (hs)» билан «тола узунлиги» ўртасидаги ўртача ижобий коррелятив боғлиқлик Т-138 ва Т-PCM тизмаларида, корреляция коэффицентлари $r=+0,44$; $r=+0,54$ қайд этилган бўлса, Т-24 тизмасида эса кучли ижобий ($r=+0,76$) коррелятив боғлиқлик кузатилди.

